

ИРОДА СОБИРЖОН қизи

# БАҲОРГА МАКТУБ

*Шеърлар*

Тошкент  
“Янги аср авлоди”  
2009



84(5y)6-5 935, arab.


“Баҳорга мактуб” Ирода Собиржон қизининг илк шеърый китоби. Самимий туйғулар ифода этилган ушбу китобда ёш қаламкашнинг руҳий олами, гузаллик дунёси билан ошно бўласиз.

Ҳозирда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаси бўлган Ироданинг шеърларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этаётганимиздан мамнунмиз.

HO 35375

181

10



ISBN 978-9943-08-404-9

© Ирода Собиржон қизи, «Баҳорга мактуб». «Янги аср авлоди», 2009 йил.

## ЎЗБЕКИСТОН

Эгнида оппоқ ятак, кафти тўла дуоси,  
Бағрида ўн болани улғайтирган ватан бу.  
Менинг кулгуларимдан ёруғ бўлиб дунёси,  
Боласини ватан деб билган онам, отам бу.  
Сен отамнинг қучоғи, бағрисан, Ўзбекистон,  
Онамнинг райҳон эккан боғисан, Ўзбекистон!

Оқ тонгларда қуёшнинг нурлари оқиб кирган  
Мўъжаз ҳовли кўксида уйғонар янги юрак.  
Ҳайрат тўла кўзлари дунёга боқиб турган  
Фарзандимни ватандек мен ҳам севмоғим керак.  
Илдизим аждодларга пайванд қил, Ўзбекистон,  
Аждодларга муносиб фарзанд қил, Ўзбекистон!

**КЕЛИНЧАК**

Оппоқ либос эгнинг да,  
Капалакдек нозиксан.  
Янги ҳаёт йулидан  
Юрмоқликка розисан.

Ўзга уйнинг эшигин  
Ҳадик билан очдинг сен.  
Бу гўшага тароват —  
Гуллар ҳидин сочдинг сен.

Ота-онанг дуоси  
Сенга мадад, куч бўлсин.  
Тинч бўлсин қалбинг тўри,  
Янги уйинг тинч бўлсин.

## НЕГА ЙИҒЛАЙСАН

Нега йиғлаяпсан дод-фарёд солиб,  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?  
Кўзимнинг ёшлари дарёлар бўлди,  
Фиғоним фалакда нидолар бўлди.  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?

Кунларни ўтказдим тунларга улаб,  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?  
Изларинг ахтариб адашдим, тўздим.  
Оҳулар сингари дийдираб кездим,  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?

Кўзларимга кирди шомнинг ранглари,  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?  
Ҳижронинг юракка бир санчиқ бўлди,  
Бардошим ўзимга суянчиқ бўлди.  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?

Мана, мен томонга балқиди қуёш,  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?  
Қара, бу осмонлар меники бўлди,  
Боғлар — тўрт томонлар меники бўлди.  
Бироқ кўз четидан қалқир қатра ёш,  
Қаерларда эдинг мен чорлаганда?

## **ШУКУР ҚИЛАЙЛИК**

Еб турган бу ҳалол нонимиз учун,  
Хотиржам яшаган онимиз учун,  
Дуогўй отамиз, онамиз учун,  
Аввало, Аллоҳга шукур қилайлик.

Кимнинг юрагида оловлар — учқур,  
Кимнинг юрагида милтиқлар учқун,  
Қалбда бир толим нур борлиги учун,  
Аввало, Аллоҳга шукур қилайлик.

Кўрмоқ қандай яхши рангин дунёни,  
Англамоқ, тушунмоқ ҳар бир зиёни.  
Танитгани учун Ҳақ таолони,  
Аввало, Ўзига шукур қилайлик.

## КЎККА ЮЛДУЗ ЧИҚДИ

Яна оқшом чўкди, тунга уланди,  
Кундузнинг энг қизгин палласи ҳориб.  
Кўкнинг бешигида нурлар уйғонди  
Ва юлдузлар чиқди осмонни ёриб.

Салқин шаббодада тебранар ҳилол,  
Оламга ёғдирар заррин ҳисларни.  
Мен эса эсладим шу чоқ, эҳтимол,  
Мени таъқиб қилган бир жуфт кўзларни.

Яна тонг ёришди, хаёллар тўзди,  
Яна бутун дунё шўнғиди ишга.  
Мен эса қўлимни оқшомга чўзим —  
Шошилдим юлдузни тезроқ кўришга...

## **БАҲОРГА МАКТУБ**

Чучмомалар даста қўлимда,  
Юртим узра уйғониш фасли.  
Гуллар ханда отар йўлимда,  
Ҳамма ёқда баҳорнинг қасри.

Қасрки, ям-яшил, зангори,  
Қалдирғочлар қулочин ёзган.  
Бунда эрир дилларнинг қори,  
Бунда ҳамма ёқни гул босган.

Хуш келдинг, баҳорим, гул фаслин  
Бошлаб бердинг яна оламда.  
Ширинсухан, ширин нафасли  
Ўртоқ бўлиб юргин боламга.



## ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

Осмон етар бўйингиз,  
Фақат Ватан ўйингиз,  
Ёруғ бўлсин йўлингиз,  
Ўзбегим ўғлонлари,  
Мард, жасур шунқорлари.

Сиз Ватаннинг посбони,  
Заминисиз, осмони,  
Гуллатган шу бўстонни,  
Ўзбегим ўғлонлари,  
Мард, жасур шунқорлари.

Ота деб шу Ватанни,  
Она деб шу Ватанни,  
Юртга тиккан жон-танни,  
Ўзбегим ўғлонлари,  
Мард, жасур шунқорлари.

Темурдан олган дуо,  
Бобурдан куч ва зиё,  
Аждодлари қалбда жо,  
Ўзбегим ўғлонлари.  
Мард, жасур шунқорлари...

**ОНАЖОНИМ**

Сиз дунёда ягона,  
Сиз бор ғамлар бегона.  
Сиз бор оромда жоним,  
Меҳрибон онажоним!

Қалбингизнинг меҳрини,  
Сузларингиз сеҳрини.  
Билдим улғайган оним,  
Меҳрибон онажоним!

Ойсиз, йўқ-йўқ, офтобсиз,  
Сиз энг буюк китобсиз.  
Кўксимдаги Қуръоним,  
Меҳрибон онажоним!

## АТИРГУЛ

Гулзор ичра тебранар  
Бир дона оқ атиргул.  
Гулбаргингга ёш томди,  
Сенинг дардинг надир, гул.

Тўкилдими бир гунчанг,  
Сен ҳам куйдингми шунча?  
Менинг муштим — тугунча,  
Сенинг дардинг надир, гул.

Менинг дардим гул эди,  
Бир ёруғ кўнгил эди.  
Сен ҳам унутгил энди,  
Сенинг дардинг надир, гул.

Кел, дардларни қўяйлик,  
Шодликларга тўлайлик.  
Дўсту сирдош бўлайлик —  
Сенинг дардинг надир, гул.

## ВАТАНИМ

Хурлигинг ўзингга ярашар, юртим,  
Қошнингда қувончдан энтикиб турдим.  
Тиниқ осмонингда орзулар кўрдим:  
Менинг орзуларим осмон бўлибди.

Жилғалар бўйида куйладим қўшиқ,  
Ҳаяжон, шодликни куйларга қўшиб.  
Мен сенинг пойингга тиз чўккан ошиқ —  
Қалбимнинг сўзлари дoston бўлибди.

Тарихдан сўз очса қай кўҳна китоб,  
Темур бобом номин этар эътироф.  
Ўтмишу бугунинг айласам тавоф,  
Ҳар битта илдизинг дармон бўлибди.

Юрагим тўридан жой олди замин,  
Бобо ер, момо ер — менинг Ватаним!  
Бахтимга ҳамиша омон бўл, омин,  
Сен омон, халқим ҳам омон бўлибди.

## УСТОЗ

Бир пайт қўлларимда тигратан қалам,  
Бир пайт аўноқ эди қўлимда созим.  
Энди рақамин бўлди менга бу олам,  
Бу сиз чеккан заҳмат, азиз устозим.

Менга бир-бир очиб ҳаёт китобин,  
Умрнинг ҳар кунин — гуноҳ-савобин.  
Тинмай ўргатдингиз ҳар битта бобин,  
Бу қанчалар меҳнат, азиз устозим.

Сўқмоқлар кўп экан улғайгандан сўнг,  
Гоҳ сўлга чалғиймиз, гоҳ чалғитар унг.  
Синовга чорлайди ҳар бир келган кун,  
Бизни навбат-навбат, азиз устозим.

Аmmo йўллар ёруғ сабоғингиздан,  
Сиз узатган илм чироғингиздан.  
Ҳар бир унган ниҳол шу боғингизда,  
Булар бизмиз, албат, азиз устозим.

**ОРЗУ**

Ёстиғимга бош қўйиб тунда,  
Орзуга тўламан бир зумда.  
Майин, илиқ ёмғирлар томиб,  
Юборишар хаёлга кўмар.  
Хаёлимда оппоқ кабутар,  
Менга сирли хатлар келтирар.  
Ёмғир ўйнар сатрлар узра,  
Мен эса ўқийман кўз узмай.  
Аmmo ким у мактуб юборган,  
Мени бу дам ёдига олган?  
Кабутарга ёлвораман — айт,  
Қуш термулар-термулар фақат.  
Ва шу пайти тортаман сергак,  
Кимники у чақнаган юрак.  
Кабутарми ёки ёмғирми,  
Хатдан юрак шунча ёнурми?  
Кўзларимга инади уйқу,  
Балки мени синади туйғу —  
Шу ўй билан қоламан ухлаб,  
Келса келсин шу тонгда йўқлаб.

## КУЗ

Куз келди одатий сариқ либосда,  
Рўмоли заъфарон, эгни заъфарон.  
Йўлларнинг юзини хазонлар босди,  
Шу хазонлар барча кўзни қилди ром.

Бу олам силкина бошлади аста,  
Тадорик кўргандай хайрлашишга.  
Боғлар маънос тортди, тортди шикаста,  
Дучор бўлди улар янги ташвишга.

Қушлар видо айтди навбатма-навбат,  
Учдилар-кетдилар боғларни ташлаб.  
Куз эса борарди улашиб ҳайрат,  
Юракни эзгувчи куйларни бошлаб.

**АЛЛА**

Бир мунгли қўшиқни эс-эс биламан,  
Гўдакликнинг маъсум оқшом палласи.  
Митти шуур билан қулоқ иламан —  
Бошимда онамнинг ширин алласи.

Ором олгин дерди, кучга тўл дерди,  
Дунёда энг бахтли аёл бул дерди.  
Нурларга тўлдириб осмону ерни,  
Бошимда онамнинг ширин алласи.

Болам, кўзингни юм, кўзларингни юм,  
Самода юлдузлар бошлади ўйин.  
Дердию негадир йиғларди юм-юм,  
Бошимда онамнинг ширин алласи.

Улғайдим, болалик — хотира олис,  
Ҳаёт ташвишлари айлайди ҳолсиз.  
Ташлаб кетмагин, эй, бир зумга ёлғиз,  
Бошимда онамнинг ширин алласи.




## ТЕЗРОҚ КЕЛГИН, ҚАЛДИРҒОЧ

Қишнинг юмшади қаҳри,  
Чекинди совуқ заҳри.  
Энди бизга ёз қулоч,  
Тезроқ келгин, қалдирғоч.

Музлар эриб сув бўлди,  
Майсалар сулув бўлди.  
Борлиққа тўлди қувонч,  
Тезроқ келгин, қалдирғоч.

Кел, бодомлар гулласин,  
Шўх қадамлар гулласин.  
Яхшиликнинг йўлин оч,  
Тезроқ келгин, қалдирғоч.

Кутар айвонинг, кўшнинг,  
Инингга бир хас қўшгин.  
Оламга эзгулик соч,  
Тезроқ келгин, қалдирғоч.



## ЎЗБЕК ЭЛИМ

Тарихда дoston бўлган,  
Сен менинг ўзбек элим.  
Фурури осмон бўлган,  
Сен менинг ўзбек элим.  
Боболарим тилида  
Афсона бўлган элим,  
Темурнинг қалби билан  
Қудратга тўлган элим.  
Деҳқонбобом далада  
Кўтарганда хирмонин,  
Бу эл nasibаси деб,  
Унутмайди имонин.  
Заҳматкаш ўзбек элим,  
Меҳнаткаш ўзбек элим.  
Она ерни тинглаган,  
Бир дардкаш ўзбек элим.  
Тарихда дoston бўлган,  
Сен менинг ўзбек элим.  
Фурури осмон бўлган,  
Сен менинг ўзбек элим.

## ЮРТИМ ҚИЗЛАРИ

Қирқ ўрим кокиллари  
Ёпиб борар изларин,  
Ҳар бири бир гулпарин  
Ўзбегимнинг қизларин.

Ўсмаю сурмасида  
Ошиғига ҳиммат бор,  
Ёқасин бурмасида  
Ибо отлиғ зийнат бор.

Сулувликда, оқликда  
Уялтирар тонгни ҳам,  
Яралгандир покликдан  
Худдики биллур шабнам.

Сўзласангиз мулойим  
Яширади кўзларин,  
Ҳар бири бир гулойим  
Ўзбегимнинг қизларин.

Қизғалдоқдек қаддига  
Ташлаб атлас кўйлакни,  
Солиб ишқнинг дардига  
Ёндиради юракни.

## БОЛАЖОНИМ

Юрагимнинг бир бўлаги, болажоним,  
Ҳаётимнинг соф тилаги, болажоним.  
Сени менга Оллоҳ ўзи тухфа қилган,  
Келгусимнинг зўр тиргаги, болажоним.

Айланайин кўзларингнинг қаросидан,  
Айланайин митти қалбинг навосидан.  
Атрофингда парвоналар бўлай ўзим —  
Қанотимда асрай ҳар кўз балосидан.

Севинч бергай ширин-ширин сўзларинг,  
Кўзимга тўтиё бўлди изларинг.  
Атак-чечак қадамларинг таплаган,  
Ёдимда бор ўша маъсум кезларинг.

Сен кўзимнинг нури, қалбим зиёси,  
Дардларимга малҳам — меҳригиёсан.  
Сен борсанки, қалбим бутун, кўнглим тинч,  
Менинг учун энг чиройли дунёсан.

## ҚИСМАТ

*Йигит:*

Оқ ойдин кечада ҳилолни кўрдим,  
Юзлари сув каби зилолни кўрдим.  
Ёноқлари қирмиз, кўзлари юлдуз,  
Қошлари камон гулжамолни кўрдим.

*Қиз:*

Юлдуз санайман деб янглишманг ҳаргиз,  
Кўзимни юлдузга алишманг ҳаргиз.  
Ақлу ҳушингизни олган ой бўлса,  
Мен ўша ойлардан қолишмам ҳаргиз.

*Йигит:*

Хуснингизга боқиб, ақлдан оздим,  
Эҳтимол, осмонга мактублар ёздим.  
Бироқ ерда экан мен излаган бахт,  
Излаганим сиздир — шул менинг ростим.

*Қиз:*

Ошиқ бўлганларнинг шудир қисмати,  
Осмонга боғлиқмас ишқнинг қудрати.  
Икки дил бир-бирин топса-топишса,  
Эҳтимол, шу эрур Ҳақнинг раҳмати.

**АЁЛЛАР**

*Ҳазил шеър*

Туну кун тинмай  
Рузгор ишидан,  
Ортамизми ҳеч  
Уй ташвишидан.

Меҳмону мезбон  
Бизнинг зиммада,  
Яна кир-чир юв  
Ортиб ҳаммадан.

Уйни болалар  
Шовқини босар,  
Гоҳо ярим тун  
Уйқуни бузар.

Аммо ҳаётнинг  
Ёрлиғи шудир,  
Ҳар бир аёлнинг  
Борлиғи шудир.

## АЗИЗИМ

Кунни тунга улаб суҳбат қурсак ҳам,  
Сенинг дийдорингга тўймам, азизим.  
Боғу бўстонларда бирга юрсак ҳам,  
Сенинг дийдорингга тўймам, азизим.

Ёнимга чорлайман, учиб кел дейман,  
Гулу гулзорларни қучиб кел дейман.  
Бағрингни мен томон очиб кел дейман,  
Сенинг дийдорингга тўймам, азизим.

Хаёлларим ичра яшайсан кулиб,  
Юлдуздек ёришиб, ой каби тўлиб.  
Аммо мен бир умр ёнингда бўлиб,  
Сенинг дийдорингга тўймам, азизим.

**ГУЛЛАР**

Шамолда тебранар оқ, сариқ гуллар,  
Осмонга бўй чузар нозик новдаси.  
Баҳор беланчагин тебратиб улар,  
Рақсга тушарлар шода-шодаси.

Баҳор ёмғирлари, баҳор қуёши,  
Кун сайин кўтарар уларни ердан.  
Ва гуллар очади ернинг чиройин,  
Бир-бир бўй кўрсатиб далаю қирдан.



## БОЛАЛАГИМ ЁДИМДА ҲАМОН

Болалигим ёдимда ҳамон,  
Лолалигим ёдимда ҳамон.  
Қўшни бола, қўшни қизлардан  
Қоралигим ёдимда ҳамон.

Биз учган ул арғимчоқлар йўқ,  
Ёғоч от, ёғоч тойчоқлар йўқ.  
Бўйим билан бўйи бир бўлган  
Мен билан тенг қўзичоқлар йўқ.

Аммо ширин хотирларим бор,  
Болаларим — ботирларим бор.  
Сочларимни силаб ёғтувчи,  
Оппоқ-оппоқ ёмғирларим бор.

**МАНЗАРА**

Самони безаган қушлар тўдаси,  
Бизга келаётир қиш нашидаси.

Шамолда тебранган хазонлар ҳалак,  
Аёзнинг қаҳридан улар жонсарак.

Қушлар келаётир худдики вулқон,  
Улар қарғалардир, бежиз, бегумон.

Балки куз кечикди бундан кетмакка,  
Қиш қаҳри ёйилди осмон-фалакка.

Қарғалар келтирди қаҳратон қишни  
Ва шу билан ерни асир этишди...

## ЧАҚМОҚ

Чақмоқ, чақавериб қолма толиқиб,  
Дову дарахтларга етказма шикаст.  
Жимжима нақшингни кўз-кўзлар қилиб,  
Аҳён-аҳёнда бир ўйнаб турсанг, бас.

Қўрқаман аланга олса нурларинг,  
Кўзимга ҳадиклар солса нурларинг.  
Ҳар лаҳза осмонда дайдиб юрмагин,  
Аҳён-аҳёнда бир ўйнаб турсанг, бас.

Ширин ором олган боламга қара,  
Беғубор, осуда оламга қара.  
Дунёнинг тинчини бузмагин сира,  
Аҳён-аҳёнда бир ўйнаб турсанг, бас.

## КУЗГИ ҰЙЛАР

Кузги кенгликларда мезон ўйини,  
Сувларнинг бошида хазон уюми,  
Тўрт тараф сап-сарик ранглар қуюни,  
Кўнглимга бир ажиб ҳислар солди куз.

Кунлар маҳзун тортган, кўчалар маҳзун,  
Кечикиб очилган гунчалар маҳзун,  
Бу олам тортарми шунчалар маҳзун,  
Шўхлигу шодликдан наҳот толди куз.

Ариқлар лабида ўлтирар шамол,  
Ҳар тушган хазонга мўлтирар шамол,  
Кузнинг қучоғида дилдирар шамол,  
Шамол билан ёлғиз, ёлғиз қолди куз.

• • •

*Бувижоним Тўпаниса Пармон қизи  
хотирасига*

Бувижон, ёнимда бўлсангиз қани,  
Ёруғ кунларимни кўрсангиз қани.  
Дуогўй қўлингиз суртсам юзимга,  
Яна сочларимни ўрсангиз қани.

Мени чорлардингиз ҳар оқшом пайти,  
Бошларимни силаб, эртақлар айтиб.  
Қанийди, у дамга бўлсайди қайтиб,  
Болам, ороминг ол, десангиз қани.

Юзингизнинг тафти ёдимда ҳамон,  
Димоғимга келар бир бўйи райҳон.  
Мушки аtringизни соғиндим ёмон,  
Бувижон, мушк сочиб келсангиз қани.

Ётган ўрнингизни қучоқлаб ўпдим,  
Сизни кўрган уйни кўзимга суртдим.  
Ҳарир рўмолингиз бошимга ёпдим,  
Қанча соғинганим билсангиз қани.

Уйимиз тўрида суратингиз бор,  
Хотирамда ширин суҳбатингиз бор.  
Бугун изингизни излаймиз зор-зор,  
Бувижон, бор бўлиб қолсангиз қани.

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон .....	3
Келинчак .....	4
Нега йиғлайсан .....	5
Шукур қилайлик .....	6
Кўкка юлдуз чиқди .....	7
Баҳорга мактуб .....	8
Ўзбегим ўғлонлари .....	9
Онажоним .....	10
Атиргул .....	11
Ватаним .....	12
Устоз .....	13
Орзу .....	14
Куз .....	15
Алла .....	16
Тезроқ келгин, қалдирғоч .....	17
Ўзбек элим .....	18
Юртим қизлари .....	19
Болажоним .....	20
Қисмат .....	21
Аёллар .....	22
Азизим .....	23
Гуллар .....	24
Болалагим ёдимда ҳамон .....	25
Манзара .....	26
Чақмоқ .....	27
Кузги ўйлар .....	28

*Адабий-бадiiй нашр*

**ИРОДА СОБИРЖОН ҚИЗИ**

**БАҲОРГА МАКТУБ**

*Шеърлар*

**Муҳаррир**

**Насиба ЮСУПОВА**

**Бадiiй муҳаррир**

**Баҳриддин БОЗОРОВ**

**Тех. муҳаррир**

**Вера ДЕМЧЕНКО**

**Мусаҳҳиҳ**

**Маъмура ҚУТЛИЕВА**

**Компьютерда саҳифаловчи**

**Феруза БОТИРОВА**

**Босишга 13.03.2009 й.да рухсат этилди.**

**Бичими 70x84 1\32. Босма тобоги 1,0.**

**Шартли босма тобоги 1,17.**

**Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Фин газета қоғози.**

**Адади 500 нусха. Буюртма № 54.**

**Баҳоси келишилган нарҳда.**

**«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.**

**«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.**

**100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.**

***Мурожаат учун телефонлар:***

**Нашр бўлими – 278-36-89;**

**Маркетинг бўлими – 128-78-43**

**факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru**